




YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA
BIRLASHAYLIK!

Ishonch

2026-yil,
7-fevral,
shanba
№18
(5238)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



Давлатимиз раҳбарининг «Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу QR код орқали қарор матнини тўлиқ ўқинг:



2026 йил 5-6 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис тафсилотлари билан қуйидаги QR код орқали танишинг:



Сенат ялпи мажлисида **Мирзо-Улугбек Элчиевич Абдусаломов** Ўзбекистон Конституциявий судининг судьяси этиб сайланди.

Ушбу QR орқали **ishonch.uz** телеграм каналига ўтинг ва куннинг бошқа муҳим воқеалари билан ҳам танишиб бориш:



Ўзбекистон – Покистон:

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шарифнинг таклифига биноан 5-6 февраль кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Исломободда Покистон Президенти Асиф Али Зардорий, Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Мудофаа кучлари Бош қўмондони – Қуролли Кучларнинг қуруқликдаги қўшинлар қўмондони, фельдмаршал Асим Мунир билан музокаралар ҳамда Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши ўтказилди.

Музокаралар якунида Қўшма декларация ва устувор соҳалар бўйича келишувларнинг салмоқли тўплами имзоланди.

Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Покистон Миллий фан ва технологиялар университетининг фахрий доктори ва профессори унвонларини бериш маросими бўлиб ўтди. Бош вазири Шаҳбоз Шариф давлатимиз раҳбарига бу ҳақдаги тегишли сертификатни топширди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистон



тонга давлат ташрифи доирасидаги тадбирларнинг навбатдагиси Исломободдаги қўчалардан бирига Тошкент ва янгидан барпо этиладиган боққа Заҳриддин Муҳаммад Бобур номини бериш маросими бўлди.

Бош вазири Шаҳбоз Шариф ушбу қарор икки мамлакат ўртасидаги яқин тарихий ва маданий алоқаларни акс эттириши ҳамда Ўзбекистон – Покистон кўп қиррали шериклик муносабатларининг стратегик даражасини яна бир бор тасдиқлашни таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти икки мамлакат етакчи ишбилармон доиралари вакиллари билан қўшма бизнес форумида ҳам иштирок этди.

«Айвони Садр» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга «Нишони Покистон» орденини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Президент Асиф Али Зардорий Покистоннинг олий мукофотини давлатимиз раҳбарига тантанали равишда топширди.

Қуйидаги QR код орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистон Ислом Республикасида давлат ташрифи тафсилотлари билан батафсил танишинг:



Сўранг, жавоб берамиз



ПЕНСИЯ МИҚДОРINI ОШИРСА БЎЛАДИМИ?

САВОЛ: Иккинчи гуруҳ ногирончиган, Давлат ишида ишлайман. Яқинда пенсияга чиқмоқчиман. Унинг миқдорини ошириш мумкинми?

Умид ХОЛТАЕВ
Навоий вилояти

ЖАВОБ: Қонунчилигимизга биноан, ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг пенсияси миқдорлари ҳар икки йилда қайта ҳисоблаб берилиши белгилаб қўйилган. Бунинг учун улар пенсияга чиққач, меҳнат фаолиятини давом эттириб, яна бир йиллик иш стажига эга бўлиши лозим.

Шундан сўнг, уларнинг иш стажлари ва иш ҳақлари тўғрисидаги маълумотлар Пенсия жамғармаси томонидан тегишли ташкилотларнинг ахборот тизимидан олиниб, автоматик равишда қайта ҳисобланади. Пенсия миқдори ошган тақдирда, пенсионернинг телефон рақамига бу ҳақда СМС-хабарнома юборилади. Номда телефон рақами бўлмаган пенсионерларга почта хизмати орқали хабар берилади.

Хуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Соғлиқни сақлаш ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликларига!

ИСЛОҲОТЛАР НУФУЗИНИ ПАСАЙТИРАЁТГАНЛАР КИМЛАР?

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар нафақат соҳа ривожига, балки тиббиёт ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ифодалаган ҳам хизмат қилапти. Хусусан, Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни амалиётга жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳага янги нафас олиб кирди.

Қарор асосида 2025 йил 1 июлдан республикадаги 15 та туман (шаҳар)ларда, 2026 йил 1 январдан бошлаб эса Самарқанд вилоятида тажриба-синов тарикасида соғлиқни сақлаш тизимининг янги модели жорий этилиб, туман тиббиёт бирлашмалари негизига соғлиқни сақлаш бўлимлари фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, қарорга кўра, тизимда ишлаётган ходимлар базавий тариф ставкаларига қўшимча устамалар, ойлик лавозим маошлар, меҳнатга ҳақ тўлаш борасида ҳам бир қатор ижобий силжишлар кузатилди.

Қарорда Соғлиқни сақлаш ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликларига келишган ҳолда тажриба-синов лойиҳаси доирасида тиббиёт муассасаларининг штат меъёрларини қайта кўриб чиқиш, имтиҳон натижалари асо-



сида ишга қабул қилинмаган ходимларга тиббиёт муассасаларида мутахассислигига мос иш ўринларини тақлиф қилиш вазифаси ҳам юклатилган.

Афсуски, тажриба-синов лойиҳаси назарда тутилган Самарқандда, бир қатор туман соғлиқни сақлаш бўлимларида штат меъёрларининг ўзгариши юзасидан талай ходимларга, юқоридаги қарор рўқач қилиниб, меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича огоҳлантириш хатлари берилган. Ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзишга мажбурлаш ҳолатлари ҳам кузатилган. Бу эса кўплаб ҳамширалар, пенсионер шифокорларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўляпти. Оддий бир ми-

сол: тармоқ касабга уюшмаларига январь ойининг ўзидаёқ 16 та ёзма ва 50 дан ортиқ оғзаки мурожаатлар бўлган. Афтидан қарор ижросини таъминлашда «манфаатдорлик»ка йўл қўйилмоқда.

САВОЛ: вазирликлар томонидан қуйи тизимларга тузилмавий ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида етарлича тушунчалар берилганми? Ташкилий жараёнлар нега белгиланган меъёрлар асосида амалга оширилмапти?

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

НЕГА ФАҚАТ ЁМОНЛИКЛАРНИ КЎРСАТАВЕРАСИЗ?

Яна сериаллар ҳақида

3

Дам – бу дамдур...
Бир шоҳбайт таҳлили

4

www.ishonch.uz



ishonch1991@yandex.uz



facebook.com/ishonchofficial.uz



https://t.me/ishonchuz_official



Сарҳисоб

МЕҲНАТ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК САМАРАСИ

Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2025 йилда амалга оширилган ишлар атрофлича сарҳисоб қилиниб, 2026 йилга мўлжалланган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Мажлисда таъкидланганидек, бултур тармоқ касаба уюшмалари фаолияти тизимли ва самарали йўлга қўйилди. Хусусан, февраль-апрель ойларида тармоқ тизимидаги 478 та касаба уюшмаси гуруҳида, 1249 та цех ташкилотида, 318 та бошланғич ва 9 та бирлашган касаба уюшмаси қўмитасида ҳамда 1 та ҳудудий кенгашида ҳисобот-сайлов йиғилишлари (конференциялари) муваффақиятли ўтказилди.

Ижтимоий шерикликини ривожлантириш йўлида ҳам амалий натижаларга эришилди. Кенгаш тегишли вазирликлар ҳамда акциядорлик жамиятлари билан 8 та тармоқ жамоа келишувини имзолашга муваффақ бўлди. Бевосита корхона ва ташкилотларда касаба уюшмаси хизматига олинган 222 та юридик шахснинг барчасида жамоа шартномалари қабул қилиниб, улар орқали 198 минг нафардан ортиқ ходимнинг меҳнат ва ижтимоий манфаатлари қамраб олинди. Жамоа шартномалари асосида ҳар бир ходим учун ўтган йил давомида ўртача 18 миллион 110 минг сўмлик бивосита даромад таъминлангани алоҳида қайд этилди.

Ҳисобот даврида аҳоли ва эҳтиёжманд қатламларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилди. «Атроф муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили» дастури доирасида ишчи-ходимларга жамоа шартномалари орқали кенг қўлмалли моддий қўмаклар кўрсатилди. Жумладан, пенсия ёшига етган 1602 нафар шахсга бир йўла моддий ёрдам ва қимматбаҳо совғалар топширилди, 3213 нафар ходим юбилейлари муносабати билан тақдирланди. Шунингдек, 8940 нафар ишламайдиган пенсионер, 2542 нафар ногирон ва парваришга муҳтож шахс, 724 нафар ёш она моддий қўллаб-қувватланди.

Кам таъминланган oilаларга эътибор ҳам кучайтирилди: 12 148 нафар болага ўқув қуроллари берилди, 6 185 нафар oilа аъзоларига моддий ёрдам ажратилди. 699 нафар иқтидорли ва кам таъминланган талабаларнинг ўқув шартнома тўловлари қоплаб берилди. Шунингдек, 979 та ёш oilага уй-жой қуриш ва узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар хариди учун

Шухрат ҚУРБОНОВ,
Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

фоизсиз ссудалар ажратилди. Сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга қақирилган 25 нафар ходимга ҳам фоизсиз ссудалар берилди.

Ўтган йили соҳада фаолият юритаётган 22 та ҳўжалик юритувчи субъектда янги касаба уюшмаси ташкилотлари тузилди. Фуқаролардан келиб тушган 159 та мурожаат атрофлича ўрганилиб, 668 нафар ходим фойдасига жами 7 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ундирилишига эришилди.

Меҳнат муҳофазаси йўналишида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Тармоқ тизимидаги 4215 нафар меҳнат муҳофазаси вакили томонидан 8871 та қоидабузарлик аниқланиб, уларнинг 8769 таси бартараф этилди. 264 та ташкилотда 131 минг нафардан зиёд ходимни тиббий кўриқдан ўтказиш учун иш берувчилар томонидан 19,3 миллиард сўм сарфланди. Меҳнат муҳофазаси бўйича 4058 та тадбир режалаштирилиб, ушбу мақсадларга қарийб 7 миллиард сўм йўналтирилди.

Халқаро ҳамкорликда муҳим қадам қўйилди – тармоқ касаба уюшмаси «IndustryAll Global Union» халқаро ташкилоти аъзолигига қабул қилинди. Бу хорижий тажриба алмашиш, жамоа келишувларини янада рағбатлантириш учун янги имкониятлар очади.

Шу билан бирга, ходимлар ва уларнинг oilа аъзоларини маданий ва спорт тадбирларига жалб этиш ишлари тизимли йўлга қўйилди. 2025 йилда 3200 нафардан ортиқ ходим ҳамда 10800 нафар меҳнаткаш ва уларнинг oilа аъзолари учун тарихий шаҳарлар ва маданий масканларга саёҳатлар ташкил этилди.

«ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯ БЎЙИЧА МУРОЖААТИМ БОР»

Олмалиқда бўлиб ўтган конференцияда долзарб саволларга жавоб топилди

«Янги иш бошлаган ёш шифокорларга ойлик устама тўланадими?», «Иш ўринлари аттестацияси ўтказиш тартиби қандай?», «Имтиёзли пенсия бўйича мурожаатим бор», «Ходимларга иш ҳақидан ташқари рағбатлантиришлар қандай амалга оширилади?»...

Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси томонидан жамоа шартномасининг 2025 йил сарҳисобига бағишлаб ўтказилган конференцияда шу каби қўллаб долзарб саволлар ўртага ташланди. Унда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича инспекторлари, Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси ва бошқалар иштирок этди.

Қўмита раиси Улўфбек Имомбердиев 2023-2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасида белгиланган вазифалар

бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

Таъкидланишича, Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмасида айни пайтда 2 минг 200 нафарга яқин шифокор ва ҳамширалар, техник ходимлар хизмат қилмоқда. Ўтган йили 8 март, «Наврўз», Тиббиёт ходимлари кун, Қўрбон ва Рамазон ҳайитлари, Мустақиллик байрами каби муҳим саналар муносабати билан ходимлар рағбатлантирилган. Шунингдек, йил давомида битта бахтсиз ҳодиса рўй берган. Яъни Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги 3-оилавий

Х.Абдуқодиrowа ҳудудий патронаж кўригига борган вақтда йиқилиб тушиб, тан жароҳати олган. Унга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асосида юз фоиз миқдорда маблағ тўлаб берилган ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси томонидан моддий ёрдам кўрсатилган. Айни пайтда Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги даволаш профилактика муассасаларида ходимларнинг ишлаш шароитини яхшилаш мақсадида жорий таъмир ишлари амалга оширилмоқда.

– Тадбирда асосан меҳнат ҳуқуқига оид саволлар берилди, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори Муҳаммадjon Рўзметов. – Ҳақиқатан ҳам, тиббиёт соҳасида айни пайтда иш ўрни,

Сўзда, Навоий, не десанг чин дегил, Рост наво нағмага таҳсин дегил.

Алишер Навоий



ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ШУНЧАКИ ҲУЖЖАТ ЭМАС

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Наманган шаҳар кенгаши барча бошланғич касаба уюшмаси қўмиталари раислари иштирокида корхона ва ташкилотларда тузилган жамоа шартномаларининг 2025 йилга белгиланган тадбирлари бажарилиши ва 2026-2028 йиллар учун янги жамоа шартномаларини тасдиқлаш масалаларига бағишлаб ўқув-семинар ташкил этди.

Иштирокчилар дастлаб «Президент Мурожаатномаси: бахтли ҳаётимизнинг йўл харитаси!» мавзусидаги маърузани тингладилар. Унда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ижтимоий йўналишдаги устувор вазифалар, аҳоли фаровонлигини ошириш ва

меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ислохотларнинг мазмун-моҳияти очиб берилди.

Семинарда жамоа шартномаларининг ижроси, меҳнат муҳофазаси, иш ҳақи ва таътил тўловлари, мурожаатлар билан ишлаш, ҳужжат юритиш ма-

Семинар

КУНДАЛИК ФАОЛИЯТНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ЙЎРИҚНОМА

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон шаҳар кенгаши томонидан тизимдаги бошланғич ташкилотлар раислари иштирокида куйи бўғин фаолиятини самарали ва тўғри ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Хар қандай ташкилот ва муассасада иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибда солиш, томонларнинг ҳуқуқ-мажбуриятларини аниқ бир меzonлар асосида белгилашда жамоа шартномалари халқилувчи аҳамиятга эга. Демакки, жамоа шартномасини тузиш масаласига шунчаки ҳужжатбозлик эмас, балки кундалик фаолиятни тартибга солувчи йўриқнома сифатида ёндашиш тақозо этилади.

Семинарда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгаши Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Эргашбой Тешабоев 2026-2028 йилларга мўлжаллаб тузиладиган янги жамоа шартномалари лойиҳаларини ишлаб чиқишда ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиянинг ишти-



Насибохон ТўРАҚУЛОВА,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон шаҳар кенгаши раиси

Ўқув

данияти, маданий-маърифий ишлар, ходимларни соғломлаштириш каби қатор муҳим йўналишлар атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, Конститутция, Меҳнат кодекси ва «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун бўйича тушунтиришлар берилди. Замонавий таҳдидлардан бири – кибержиноятчилик масаласи ҳам эътибор марказида бўлди.

– Тадбирдан қўзланган мақсад жамоа шартномаларини шунчаки ҳужжат сифатида эмас, балки ходимларнинг реал ҳуқуқ ва қафолатларини таъминлайдиган амалий механизмга айлантиришдир, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси Акмалжон Умаров. – 2025 йил учун белгиланган вазифалар ижросини танқидий таҳлил қилдик ва янги 2026-2028 йилларга доир шартномаларни сифат жиҳатидан кучайтириш йўналишларини аниқлаштириб олдик. Эътиборли жиҳати, янги жамоа шартномаларида ижтимоий ҳимояни кучайтириш, иш жойларида хавфсизлик чораларини ошириш, маданий ва спорт, соғломлаштириш тадбирларини кенгайтириш каби бандларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, рақамли ҳужжат юритиш ва шаффофликни таъминлаш масалалари ҳам киритилмоқда.

Ўқув якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишди. Тайёрланган услубий қўлланмалар тарқатилиб, янги жамоа шартномаларини пухта ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Лутфиддин ҒАНИЕВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Наманган вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Учрашув

Самарқандда жамоа шартномалари ва келишувлар орқали 21 минг нафардан ортиқ ишловчи ёшлар манфаати ҳимоя қилинмоқда. 2025 йил давомида 1872 та корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 3231 та ёш oilа жамоат ташкилоти кўмагини яққол ҳис қилишди. Жамоа шартномалари орқали уларга рўзғордаги кам-кўстини тўлдиришлари учун 1 миллиард 465 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

ЁШЛАР ВА БИЗ

149 та корхона ишчилари бўлган ёш болали 248 нафар аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда қисқартирилган иш соатлари жорий этилди. Музокаралар натижасида уларга иш берувчилар томонидан 47,1 миллион сўм миқдоридида маблағ тўлаб берилди. 62 та ташкилот ва муассасадаги касаба уюшмалари томонидан 154 нафар иқтисодорли, кам таъминланган ва чин етим талабаларнинг шартнома пуллари қисман тўланди. Айнан шу мақсадлар учун ҳамкорларимиз 745,2 миллион сўм маблағ сарфлашди. Касаба уюшмалари стипендияси, имтиёзли санаторий йўллнамалари билан таъминлаш борасидаги ишлар ҳам тизимли давом эттириляпти.

Эътиборли томони, касаба уюшмасига аъзо ёшлар «Мен донорман», «Яшил макон», «Экотуризм», «Нуронийлар эъзозимизда» каби тадбир ва акцияларда фаоллик кўрсатишди. Биргина ўтган йили ўнга яқин «Раҳбар ва ёшлар» учрашувлари ташкил этилиб, истиқболдаги вазифалар белгиланди ва

ижроси назоратимизда бўлди.

Яқинда ана шундай учрашувлардан навбатдагиси ўтказилди. Тадбир доирасида ўтган йил сарҳисоби, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди. Ёшлар марказидаги ушбу мулоқотимиз асосида касаба уюшмалари ва ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси ўртасида меморандум имзоланди. Ёшларни қўллаб-қувватлашни янги поғонага қўтариш, уларга муносиб меҳнат шароити яратиш, ёш oilаларни ҳимоялаш борасидаги ҳамжиҳатлик янада мустаҳкамланди.

«Ўзбекистон касаба уюшмалари – кеча, бугун, эртага» номли тарихий ҳужжатли фильм намоишидан сўнг, бир гуруҳ фаол ёшларга Зоминга саёҳат учун бепул йўланма сертификатлари топширилди.

Ферузбек РАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Тадбир

роқ ушбу муассасада юқоридаги тартибқоидага амал қилинмаслиги аён бўлди ва иш берувчига бу ҳақда кўрсатма бердик.

– Конференцияда меҳнат муҳофазасига оид саволлар ҳам ўртага ташланди, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат техник инспектори Жўрабек Исомбеков. – Имтиёзли нафақага чиқиш тартиби, зарарли омиллар билан ишловчи ходимларнинг иш соатлари давомийлиги, аттестация натижасида белгиланадиган имтиёзлар шулар жумласидан.

Тадбир якунида Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмасида 2023-2025 йиллар учун тузилган жамоа шартномаси ижроси бир овоздан қониқарли, деб топилди. Шунингдек, 2026-2028 йиллар учун тузиладиган янги жамоа шартномаси бўйича батафсил ахборот берилди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

**Яхши кишилар бирла тутар бўл суҳбат,
То бергай амон шарирдин ул суҳбат.****Алишер Навоий****9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун**

Дам – бу дамдур...

Бир шоҳбайт тахлили

Замон учга бўлинади. Замон учга – ўтмиш, бугун ва келажакка бўлинади. Навоий «Махбуб ул-қуллуб»нинг учинчи қисмида ана шу ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак ҳақида ажиб бир фикрни баён этади: «*Ўтган рўзгор адамдур, келмагандин сўз айт-қон аҳли надамдур ва ҳол мустанамдур*». Бунини ҳозирги тилимизда содда қилиб ифодаласак, «*Ўтган ҳаёт – бугун йўқ, ҳали келмаган даврдан сўзлаган киши эса кейин афсус қилади, шунинг учун ҳозирги вақт – ганимат*», деган маъно келиб чиқади.

Ажойиб! Шундай эмасми? Чунки тарих ўтиб кетди, келажак ҳали келгани йўқ, қўлимизда нақди – ҳозирги замон-да.

«Дам – бу дамдур!..». XX асрда Ғарбнинг кўп психологлари ҳам айнан шу ҳулосани илгари суришди. Одам ўтмишда кечган воқеаларни ҳадеб эслайвермасдан ёки келажак ҳақида кўп ҳам хом хаёллارга беулаввермасдан, имконияда бўлган нақд вақтини унумли, фойдали ва хушвақт ўтказиш пайида бўлавериши керак, дейишди улар.

Лекин бунини Навоий 500 йил бурун айтган-да! Аслида, бу фикрни Навоийдан ҳам қарийб 500 йил бурун бошқа бир авлиё зот айтган экан. Бунини Навоийнинг «Махбуб ул-қуллуб»даги мана бу сўзларидан олиб оламиз: «*Бир турк бу маънида дебдур-ким: «Дам – бу дамдур»*».

Байт:
*Мозию мустақбал аҳволин тақаллум айла кам,
Не учунким, дам – бу дамдур, дам – бу дамдур, дам – бу дам!*

Байтнинг бадийи гўзаллигига қаранг! «Дам – бу дамдур!» сўзларининг уч қарра такрорланиши таъсирчанлигини янада ошириб юборган. Шарқ мумтоз шеърятининг бундай қўшимсраларини «шоҳбайт» деб улуғлашган. Шоҳбайт бўлса, шунча бўлар.

«Мозию» – ўтмиш, «мустақбал» – келажак, «тақаллум» – сўзлаш эканини айтсак, бу сатрлардаги маъно бугунги ўқувчига ҳам аён бўлади-қолади: «*Ўтмиш билан келажакдан камроқ гапир, чунки дам – бу дамдур, дам – бу дамдур, дам – бу дам!*» Ахир, ҳақиқатан ҳам, ўтмиш қўлдан чиққан, келажак ҳали қўлга киргани йўқ, нақди – ҳозирги замон-да.

Навоий туркий сўз ошиқу ошуфтаси, буюк жонқуяри, тарихботчиси, назарийётчиси-ю амалиётчиси эди. Бу тилда «*йилат*» этган бир ифодадан унинг муаллифини ҳеч ҳам беъэтибор қолдирмас эди. Унда нега шундай гўзал шеърини мўъжизавий байт яратган шоирни айтмай кетяпти?

Ҳамма гап шундаки, бизнингча, бу шеърни Навоийнинг ўзи ёзган. Фикр эса – бошқаники, яъни «*бир турк*»ники. Улуғ шоир: «*Байт*», деб ўзининг сатрларини келтирган. Шеърга асос бўлган фикр бировники бўлгани учун буюк мутафаккир, инсоф юзасидан, бунини қайд этиб ўтгану, унинг айнан кимга тегишли эканини ошкор қилмаган.

Олтин топнадеқ бўлдим. Бир неча йилдан буён «*бир турк*» кимлигини излар эдим. *Интилаганга толе – ёр*, деганлари рост экан. Навоийни тушуниш учун, аввало, Навоийни ўқиш керак. Чунки буюк шоир ва мутафаккирнинг бир асари иккинчиси учун ҳақиқий калит вазифасини ўтайди. Жа-вобни яқинда «Насойим ул-муҳаббат...» таъкирасидан топиб, қувониб кетдим.

Мана, ўша парча: «*Шайх Абу Саид дебдурки: «Ўз замонаси шайхларидан саракслик Абулфазл Муҳаммад бинни Хусайндан эшитдим, айтди: «Ўтмишни эсламаслик, келажакка кўз тутмаслик керак. Эштибор аини вақтга бўлсинки, бу бандаликнинг сифатидир»*».

Маълум бўляптики, бу фикрни Абулфазл Муҳаммад бинни Хусайн Шайх Абу Саидга айтган. Ҳўш, Абулфазл Муҳаммад бинни Хусайн киму, Шайх Абу Саид ким? Тасаввуф тарихида ўтган шайхлар ҳақида ўзбек тилида «Насойим ул-муҳаббат...»дан мукаммалроқ манба йўқ. Шунга суянамиз. Шайх Абулфазл Ҳасан Сарахсий ҳақидаги мақолада: «*Абу Саид Абулхайрнинг пири*», деган маълумотга дуч келамиз. Шайх Абу Саид Абулхайр ҳақидаги мақолада эса бу фикр яна такрорланади: «*Одоб тарикатда пири Шир Абулфазл Ҳасан Сарахсийдур*». Демак, мурид пирининг сўзини келтирибди. Бу унинг ишончли эканини кафолатлайди, албатта.

Энди аниқлаштирилиши лозим бўлган биргина масала қолди: Абулфазл Ҳасан Сарахсий, чиндан ҳам, туркий қавм вакили бўлганми?

Эроннинг Туркманистон билан чегарадош шимоли-шарқий қисмида Сарахс вилояти жойлашган. Аммо чегаранинг бери ёғида, яъни Туркманистоннинг Ашхобод вилоятида ҳам Сарахс қўргони мавжуд. 1024 йили вафот этган Абулфазл Ҳасан Сарахсийнинг қабри айнан ана шу Сарахс қўргонида. Шунинг ўзи биланоқ Навоий «*бир турк*» деганда айнан шу шайхни кўзда тутгани ойдинлашди.

Навоий ижодида бировларнинг насрий дурдона фикрларини гўзал тарзда шеърга солиш ана кўп учрайди. Бу ерда шу билангина чекланамиз.

Шарқ ва Ғарб – бир қадам. Хангомининг қизиги энди келди. Афкор омма орасида: «*Буюклар бир хил фикрлайди*», деган ақида юради. Рост гап. Ижтимоий тармоқларга кириб, эраимиздан олдинги 551-479 йилларда Хитойда яшаган буюк файласуф Конфуцийнинг рус тилида баён этилган: «*Кеча биздан кетиб бўлди, эрта эса, ҳали келганича йўқ. Фақат ўтиб бораётган шу соатгина бор. Шу ҳам кам эмас*» (русчаси қуйидагича: «*Вчера – ушло от нас, а завтра – не настало. Есть лишь идущий час. И этого немало!*») деган ҳикматини ўқиб қолдим. Ифода-сидаги айрим фарқларинигина демаса, ўша-ўша мазмун. Демак, буюк файласуф бу ҳулосасини Абулфазл Ҳасан Сарахсийдан бир ярим минг йил бурун айтган экан.

Қизикки, Афлотун ҳам шу доно фикрни айтган экан: «*Эрта – бир сир, унга кўп ҳам умид боғлаб ўтирма! Кеча – бир хотира, ҳасратини қилиб ўтирма! Бугун – бир ҳади, унинг қадрига ет ва умрининг ҳар лаҳзасидан лаззат туй!*».

«*Буюклар бир хил фикрлайди*», дегани шу-да.

Икки киши бир ҳулосага келса-чи?! Навоийнинг «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарига мавзуга доир яна бир қизик фактга дуч келамиз. Паҳлавон Муҳаммад бастакорлик ва хонандалик бобида ҳам юксак истеъдоқ соҳиби эди. У замондоши Мавлоно Тўтиий (1461/62 йили вафот этган)нинг бир разалига қўй басталаб, шундай ижро этадики, фақат Хуросондагина эмас, Самарқанд ва Ироқда ҳам бу қўшиқни билмайдиган ашулачи қолмайди, Навоийнинг далолат беришича, ҳатто, хонанда бўлмаган кўп-кўп кишилар ҳам ёд биладиган бўлиб кетади. Энг муҳими, ана шу газалининг матлаъсида айнан ўтмиш ўтиб кетганлиги, келажакни эса ҳали ҳеч ким кўрмагани, шунинг учун бугунни хуш ўтқариш гоёси илгари сурилди:

*Соқий, де рафта ҳасту аҳволи фардо – нопадид,
Хешро имрӯз хуш дорему фардору ки дид?*
Таржимаси: «*Эй соқий, қишининг иккинчи ойи кетди-ю, эртанинг аҳвали – номавҷулум. Ўзимизни бугун хурсанд қилайлик, эртани эса ким кўрибди?*»

Демак, мусулмон Шарқи мумтоз шеърятинида мавжуд ҳикमतомӯз ҳулосаларини турли бадийий жиҳатдан гўзал шакллارда шеърга солиб ифода-лайвериш расм бўлган. Шунинг учун бир фикр такрорини кўриб, шоша-пиша: «*Фалончи фалончидан қўчирибди*», деган хато ҳулосага боравермаслик лозим.

Шеърнинг кучи. Навоийнинг ҳикматли сўзлари сифатида элимиз орасида маълуму машҳур бўлиб кетган айрим байтлар ҳам аслида, тарихда ўтган бошқа буюк зотларнинг насрда айтган фикрларининг улуғ ўзбек шоири томонидан шеърга солинганидан иборат. Масалан:

*Шоҳ дарё ва халқ эрур анҳор,
Икисини сўйша бир мазз – бор,*
деган байтни Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Арастуниги мана бу фикрларининг шеърини ифодаси сифатида қўзғога туширган: «*...Подшоҳ улуг руда ӯхшар ва атбози* (унга тобеъ, ундан оқадиган – **С. О.**) *аригларгаким, ул руддин айрилди-ларким, ул руд сунига ҳар ҳол бўлса, аригларга ҳамул ҳолдур: ул чучук бўлса, булар чучук; ул ачие бўлса, булар ачие; ул соф бўлса, булар соф; ул лой бўлса, булар лой. Пас, подшоҳга вожибдур – гоят ҳикмат* (донолик – **С. О.**) *ва этидидол* (тенглик – **С. О.**) *била мошо қилмоқ* (иш юритмоқ – **С. О.**), *то хайл* (халқ – **С. О.**) *ва хашами* (мансабдорлар – **С. О.**) *анга мутобаат* (итоат – **С. О.**) *қилгайлар*».

Ёки мана бу байт ҳам Нўширавоннинг одил вазири сифатида ном чиқарган Бузуржмехр айтган: «*Йигитликда илм касб қилмоқ ва қарилигда ани амалга келтурмак яхшидур*», деган фикрининг шеърини ифодаси ҳисобланади:

*Йигитликда йиғ илмнинг маҳзани,
Қарилиг чоғи ҳарж қилғил ани.*
Буллар шоирнинг бировларга тегишли ўзига маъқул келган насрий доно фикрларини шеърга солиб кетаверганини исботлайди.

Бир нарсани эсдан чиқармаслигимиз керак: Арастуниги фикрини ҳам, Бузуржмехр айтган ҳикматни ҳам шоир туркий манабдан олмаган. Демак, бу ерда насрни назмга айлантиришгина эмас, бошқа тилдаги насрий фикрни ўзбекчада шеърга солиб ифодалаш ҳам бор.

Элинг тушунсин, десанг, таржима қил! Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат...» таъкирасидаги Имодиндин Насимий ҳақидаги фасли биз учун мавзумизга алоқадор бир муҳим нуктага янада аниқлик киритиш имконини беради. Навоий Насимийни мазҳабда айбланиб, унга терисини ши-лиш жазоси берилганини ёзади-да, шу ҳолатда бир ғазал айтганини гапириб, асарнинг матлаъси ва мактаъсини келтиради. Навоийшунос Сўйима Ғаниева изохида айтилишича, Навоий Насимийнинг аслиятда:

*Чун Насимий жовидони ёр ила бўлди висол,
Гўй, неча донарса, донсун бу яшил дўлоблар, –*
тарзида бўлган озарбайжонча байтни ўзбекча таржима қилиб келтиради:

*Эй Насимий, чун мусаср бўлди иқболи висол,
Қўй, терингни сўйса, сўйсун бу палид қассоблар.*
Бу Навоийда ўрни келганида қаламининг кучини ишга солиб юборадиган ҳолатлар бўлганини исботлайди.

Таваккул. Тасаввуфда «*таваккул*» деган бир олий мақом бор. Бу, фақат Худобагина умид боғлаш, деган маънони англатади. Бунда солиқ яккаш шу кунни, нафас олиб турган лаҳзасинигина ўйлайди, холос. У: «*Кеча – ўтиб бўлди, эрта ҳали келгани – йўқ. Бугун нафас бериб турган Яратган эртага ҳам бир ғамимизни ер!*» дея фикрлайди.

Бунда солиқ Ҳақ таолога ишонмаслик қилаётгани йўқ. Ёки эртанинг ғамини чекмаслик унинг тушкунлигидан далолат ҳам эмас. Аксинча, бу шунданки, энди сўфий тамоман Эгамнинг амрига бўй-сундида – унга таваккал қилади.

Ҳамоҳанглик. Навоийнинг «Садди Искандарий» достонида:

*Чу охир бўлурбиз адам, эй рафиқ,
Ғанимат тутоли бу дам, эй рафиқ!*
Бу бир дам, ки хушвақтлик берди даст,
Тараб жомидан айлагил ўзни маст.
Чу бу дамни ҳарж ўтқарур ҳам – бу дам,
Дамодам май ич, ким эрур дам бу дам.
Кўруб умр тарихи бир муҳаммалиеш,
Ғанимат бил асҳоб ҳамдамлигин,
деган парча бор. У 68-бобнинг бошланмаси си-фатида келади. Ундаги гоё билан биз таҳлил қилган байт ўртасида бевосита алоқадорлик ва ҳам-оҳанглик бор.

Жозиба. Ўтмиш – бугун – келажак! Конфуций – Афлотун – Абулфазл Ҳасан Сарахсий – Мавлоно Тўтиий – Алишер Навоий!..

Бир доно фикрнинг турли макон ва замонда, турли халқларга мансуб буюк шахслар томонидан айтилишини қаранг!

Очик тан олиш керакики, бу ифодаларнинг ҳеч бири таъсирчанлик кучи-ю бадийий жозибаси бўйича Навоийнинг икки сатрига тенг келолмайди. Асло! Байтга яна бир қарра қўлоқ тутиб кўрайлик: *Мозию мустақбал аҳволин тақаллум айла кам,
Не учунким, дам – бу дамдур, дам – бу дамдур,*
дам – бу дам!

Даъват. Бу фикр бизни ҳозирги замоннинг қадрига етишга, эртага янада яхшироқ яшашни истасак, бугун кегадиган унумлироқ, самаралироқ, оқилонароқ, қисқаси, кўпроқ ва ҳўброқ меҳнат қилишга даъват этади. Энг муҳими – шу.

Ҳулоса. Шу нарса аниқлашяптики, улуғ шоир асарларида учраган ҳар бир шеърини парча ҳам



унинг ўз ижодий маҳсули бўлавермайди. Шунга қарамасдан, уларнинг барини Навоий ҳикматли сўзлари сифатида тўпламларга киритаверамиз. Ҳолбуки, кўпни муаллиф бировнинг фикри сифатида келтиради. Масалан, кўпчилигимиз Навоийнинг ҳикмати сифатида ёдлаб, давраларда айтиб юрадиганимиз бир байт кимники эканини аниқлаштирайлик. «Тарихи анбиё ва ҳукамо»да шундай парча билан тугайди: «*Бузуржмехр. Нўширавонни одилнинг вазири эрди. Анинг сўзларидиндур, ким: «Устодимдин сўрдум, ким: «Йигитликда не қилмоқ яхши ва қарилигда не қилмоқ яхши?»*». Деди, ким: «*Йигитликда илм касб қилмоқ ва қарилигда ани амалга келтурмак яхшидур*».

Шеър:
*Йигитликда йиғ илмнинг маҳзани,
Қарилиг чоғи ҳарж қилғил ани».*
Кўриниб турибдики, Бузуржмехр ўзбекча ҳам айтмаган, шеър қилиб ҳам ёзмаган. Фикр – ундан, таржима қилиб, шеърга солиш – Навоийдан.

Ёки:
*Шоҳ дарёву халқ эрур анҳор,
Икисининг сўйша бир мазз бор*
байтнинг гоёси, яъни мазмунни антик давр юнон алломаси Арасту ҳақимга тегишли: «*Анинг сўзларидин будур, ким: «Подшоҳ улуг руда ӯхшар ва атбози* аригларга, ким ул руддин айрилдилар, ким ул руд сунига, ҳар ҳол бўлса, аригларга ҳамул ҳолдур. Ул чучук бўлса, булар чучук, ул ачие бўлса, булар ачие, ул соф бўлса, булар соф, ул лой бўлса, булар лой». Яна бир мисол шуки, Навоий ўзи келтирган: *Зарари борча элга ом ўлгай,
Ким таом устида таом ўлгай*
байти Нўширавонни одил замонида яшаган Со-диқ деган ҳақим айтган: «*Ло таъжул таоман ва фи меъдатлика таомун*» деган арабча ҳикматнинг ўз-бекчага шеърини таржимаси эканини яширмаган.

Демак, биринчидан, Навоий насрий асарлари таркибида келадиган шеърини парчаларнинг поэ-тик хусусиятларини, иккинчидан, генезисини, яъни фикрни аслан ким айтганлигини, учин-чидан, қай тарзда, яъни шеърдан шеъргами, насрдан шеъргами, шунингдек, туркий-данми ёки арабий ёки форсий тилданми олиниб, шеърга солинганини аниқлашти-риб ўрганиш ҳам навоийшунослигимиз-нинг галдаги вазифалари сирасига ки-ради.

Бу навоийшуносликда нисбатан янги тадқиқот йўналиши ҳисобланади ҳам.

**Султонмурод ОЛИМ,
адабиётшунос**

Ҳаёт сўқмоқларида

«Бормаيمان, экин-ти-кин, қўй-қўзиларим нима бўлади?» дея қатъий ту-риб олган Йўлдош бобони болалари зўрга кўнди-ришди. «Ўзимиз қарай-миз. Энди дам олади-ган пайтингиз, бир бориб, кўринг-чи..» дейишди.

ҲАВАС

«Санаторий» деганлари зўр жой экан. Ана роҳату, мана роҳат. Ҳамхонаси ўзига тенгқур, исмлариям уйқаш чиқди – Қўлдош экан. Сал олдин келиб жойлашибди. Йўлдош бобонинг бундай жойларда биринчи бўлиши эмасми, аввалига билмай би-роз ўнғайсизланади. Қўлдош бобо эса ҳамма нарсани ўз уйидагидек билар эди.

Икки оқсоқол бирпасда бир-бирининг бола-чака-лари қанчалиги-ю, уларнинг нима иш қилишгача билиб олишди. Қўлдош бобонинг тўрт ўғли ҳам катта-катта ишларда ишларкан. Келин-лари ҳам машина ҳайдар-кан. Йўлдош бобо ханг-манг бўлганича «Шаҳарда пул кўп-да», деб қўяди ичида. Кўз ўнгига бир ҳовлида яшаётган беш ўғли, келинлари, доимо исмларини адаштириб юра-диган неваралари келади.

– Биринчи келишин-гизми, ошна? – ҳамхонаси-нинг сўрови хаёлини бузди.
– Болалар қўймади. Бўл-маса жуда чарчаб қолган жойим йўқ эди.
– Кампир ҳаётми?
– Худода шукур, ҳаёт. Ўзингизники-чи?

– Менинг қанотим син-ган. Беш йил бўлди, ёлғиз-ман, – Қўлдош бобо огир хўрсинди. – Эракка аёлидан кейин қолмасин экан.

– Яхши жойлар экан-а, – Йўлдош бобо гапни бошқа томонга бурди. – Аввал ҳам келганимиз бу ерга?
– Кўп келганман. Мен бор-маган санаторий қолмади. Баъзиларига икки мартадан борганман. Болалар тинмай жўнатишди.

Йўлдош бобо шеригига ҳавас қилди. «Қандай меҳри-бон, ғамхўр болалари бор экан». Шу тобда телефони жиринглади – неваралари.

– Бобонг айлансин, той-чогим... Бораман, тез кунда бораман. Энди кетиб қол-майман чирогим, – бироз сўзлашувдан сўнг телефо-нини ўчираркан шеригига юзланди:

– Невараларим. Узоққа ке-тишмага ўрганишмаган-да...

Дам олиш мароқли ўтди. Кетар кунлари Қўлдош бобо-нинг бир ўғли билан келини келди. Қўлларига йўлланма: «Сизни бундан ҳам зўр сана-торийга олиб борамиз».

Оқсоқол Йўлдош бобо би-лан хўшларар экан, унинг «Қандай яхши болаларингиз бор!» дейишидан ўзига ҳа-васи келётганини сезиб ту-рарди. Бироқ, бу ҳавас қи-ладиган ҳаёт эмаслигини, беш йилдан буён умри сана-торийма-санаторий ўтаётга-нини, аслида у ҳам ўз уйи-да, дастурхон атрофида не-вараларини бағрига босиб, сўйиб ўтиргиси келишини айтолмасди. Ич-ичидан «Эх, Йўлдош ошна, сиз энг бахт-ли инсонсиз, сизга ҳавас қи-ламан», деган ўйлар ўтди-ю, аста эшик томон юрди.

**Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»**

**Мароқли
дам олинг,
азиз газетхон!**

**Нафиса Фармонова ижросида
«ТАРАХҲУМ
ҚИЛМАДИ»
ТАРОНАСИ**

**Ишқ аро ҳолимга бир ҳамдам тарахҳум қилмади.
Ёр ҳолим билмади, гар билди, кўзга илмади.
То ул ой агёр ила нўш айлади жоми висол,
Қайси ҳижрон нешиким бағрим аро санчилмади.**

Алишер Навоий ғазали

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi ISSN 2020-5002 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.	«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehriddin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие») Bosh muharrir Husan ERMATOV «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.	Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73 Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12 Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70 Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93	Navbatchi muharrir: Salim ABDURAHMONOV Musahhihlar: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV Boshig'ga topshirilish vaqti – 21:00 Topshirildi – 19:30 Bahosi kelishilgan narxda Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz Nashr ko'rsatkichi: 133 Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.	Umumiy adadi 35 306 ta Shundan: 6 701 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 19 426 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 9 179 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-211 1 2 3 4 5 6
---	--	--	---	---	---